



Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Фарход кўчаси 34/29 Тел: +99895 500-22-42, +99891 528-24-46  
Телеграмм +99897 921-24-46, e-mail: afrosiyobstandart@mail.ru

№ 72/BN

« 25 » июн 2021 й.

## ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Бажарувчи, Самарқанд шаҳар МCHJ shaklidagi «Afrosiyob audit standart» auditorlik tashkiloti Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 5 апрел кунда берилган №00787 сонли аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тўғрисидаги лицензиясига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2008 йил 24 март кундаги №376 тартиб рақамли гувоҳномасига эга бўлиб, Самарқанд шаҳри Фарход кўчаси 34-уй, 29-хонада жойлашган.

Банк ҳисоб рақами 20208000004691763001, АТ «Турон» банкнинг Самарқанд филиали, МФО: 00282, СТИР 206955352.

Аудиторлик текшируви Самарқанд шаҳар МCHJ shaklidagi «Afrosiyob audit standart» auditorlik tashkilotining аудитори Бобоев Собиржон томонидан амалга оширилди.

Малака сертификати №05087 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013 йил 23 феврал кунда берилган, ҳамда муддати 23.02.2018 йилдан 5 (беш)йил муддатга узайтирилган.

Буюртмачи, «BUXORONEFTGAZAVTONAQL» акциядорлик жамияти, манзили Бухоро вилояти, Когон шаҳри, «Амиробод» кўргони.

Банк ҳисоб рақами 20210000300310020001, ОАТБ «Ўзсаноатқурилишбанк» Бухоро шаҳар филиали, МФО 00086, СТИР 201108467.

Аудиторлик текшируви МCHJ shaklidagi «Afrosiyob audit standart» auditorlik tashkiloti билан «BUXORONEFTGAZAVTONAQL» акциядорлик жамияти ўртасида 2021 йил 21 июн кунда тузилган № 72/BN- сонли шартномага асосан, буюртмачи ташкилотнинг 2020 йил 1 январ кунидан 2020 йил 31 декабр кунигача бўлган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудиторлик текширувидан ўтказилган давр мобайнидаги молиявий ҳисоботларини тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун «BUXORONEFTGAZAVTONAQL» акциядорлик жамияти раҳбарияти, ҳамда мазкур молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасига МCHJ shaklidagi «Afrosiyob audit standart» auditorlik tashkiloti жавобгар ҳисобланади.

Мен, аудиторлик кўригини 70 сонли «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти» (АФМС)га мувофиқ ўтказдим, ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисоботлар жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади.

Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот, ҳамда бошқа молиявий ахборотларни қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий фаолиятнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади.

Менинг фикримча, «BUXORONEFTGAZAVTONAQL» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 1 январ кунидан 2020 йил 31 декабр кун ҳолатигача бўлган даврдаги молиявий ҳисоботида унинг молиявий аҳволини ҳаққоний акс эттиради ва хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

«Хулоса бердик»

Самарқанд шаҳар МCHJ shaklidagi  
«Afrosiyob audit standart» auditorlik  
tashkilotining директори



Ў.Очилов

Самарқанд шаҳар МCHJ shaklidagi  
«Afrosiyob audit standart» auditorlik  
tashkilotining аудитори

С.Бобоев